

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШ ИҮЛИДАН

**КАЛИНИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БОШҚАРМАСИНИНГ** колхозчилари, совхоз
ишчилари ўтган қишлоқ хўжалик йилини барча
соҳалар бўйича яхши кўрсаткичлар билан якун-
ладилар. * КПСС Марказий Комитетининг декабрь
Пленуми қарорлари бошқарма меҳнаткашларини янги
ғалабаларга руҳлантирди. * Улар 1964 йилда сабза-
вот, картошка, пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ
хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш-
да янги ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқ-
далар. * Ана шу мақсадда бир қатор тадбирлар бел-
гиллаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Газетамизнинг бугунги
сонида ишлаб чиқариш
бошқармасининг бошлиғи
Социалистик Меҳнат Қаҳ-
рамони М. УБАЙДУЛЛАЕ-
ВА, бошқарма партия ко-
митетининг секретари Н.
ҚИРҒИЗБОВЕ ўртоқлар
ана шулар ҳақида ҳикоя
қилиб берадилар.

«ЭНДИЛИКДА МАМЛА-
КАТНИНГ ҚИШЛОҚ ХҲ-
ЖАЛИК МАҲСУЛОТЛА-
РИ, САНОАТНИНГ ЭСА
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК
ХОМАШЕСИГА БУЛГАН
ЭҲТИЕЖИНИ ҚОНДИ-
РИШ ВАЗИФАСИНИ
ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ ҲИСО-
БИГА ЭМАС, БАЛКИ
УМУМИЙ ФОНДАЛАНИШ,
МИНЕРАЛ ҲАЙАТЛА-
РИНИ ҚУЛЛАНИШ, ФАН
ЮТУҚЛАРИ, ҲАМ
ИШЛАКЛАРИНИНГ ЭНГ
ЯХШИ НАВЛАРИНИ
КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ,
ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА
ПАРРАНДАЛАРИНИНГ
ЭНГ МАҲСУЛДОР ЗОТЛА-
РИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИ-
РИШ ҲИСОБИГА БАЖА-
РИШ КЕРАК. БИЗНИНГ
БИЛИМЛАРИМИЗ, БИЗ-
НИНГ АСОСИЙ ЭҲТИБО-
РИМИЗ АНА ШУНГА ҚА-
РАТИЛМОҚДА ЛОЗИМ.

Н. С. ХРУЩЕВ.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ КЕНГ ОММАЛАШТИРАЙЛИК

Коммунистик партия белги-
лаб бераётган ва амалга оши-
раётган коммунистик қишлоқ
ишчилик буюк ва ҳаётий планлар
ва тадбирлари ҳар бир совет
кишисига янги иш, илҳом,
куч ва ватанпарварлик таша-
буслари бахш этмоқда. Мам-
лакатимиздаги каттадан-кичик
ҳар бир меҳнатқошнинг бутун
эҳтибори коммунизмнинг мо-
ддий-техника базасини тезроқ
барпо этишга қаратилган.

Утган йил экономиканиннг
барча соҳаларида оламшумул
тарихий ғалабалар йили бўл-
ди. Совет халқи етти йиллик
ишчилик бешинчи йилини муваффа-
қиятли янгилаб, коммунизм
нинг нурули чўққилари томон
қудратли оқим ташлади. Янги
зафарлар билан бошланган
1964 йилдаги вазифалар янада
ушқун ва улғувор бўлиб, бу
вазифаларнинг муваффақиятли
ҳал этилиши Ватанимизни янги
юксакликларга кўтарди, хал-
қимиз ҳаётини янада фаровон
қилди.

Коммунистик партия химия
саноатини жадал ривожланти-
ришни ва шу асосда қишлоқ
хўжалиги ишлаб чиқаришини
юксалтиришни совет кишилари
олдига асосий вазифа қилиб
қўймоқда. Эндиликда химия
мўъжизалар ашиғини кенг очиб
беради. Химия мўл-қўлчилик ва
материаллар маъмуриятини
декабрь Пленуми қарорлари асо-
сида деҳқончиликни ривожлан-
тириш, ҳосилдорлигини ошириш
йўллари белгиллаб чиқмоқда-
лар. Улар фан, техника ва хи-
мия ютуқлари ҳамда илғор таж-
рибалар асосида қишлоқ хўжа-
лиги экинлари ҳосилдорлигини
ошириш, маҳсулот таннархини
камайтириш ва шу билан қиш-
лоқ хўжалигининг барча тар-
моқларини юксак даражада ри-
вожлантириш чораларини кў-
ймоқдалар.

Областимизнинг кўпгина кол-
хоз ва совхозлари, ишлаб чиқа-
риш бошқармалари пахта, ға-
ла, сабзавот, полиз экинлари
етиштириш ва чорвачилик маҳ-
сулотларини кўпайтириш соҳа-
сида катта ва бой тажриба ту-
ладилар. Оққўрғон, Юқори
Чирчиқ, Калинин, Бўка ва бо-
шқа ишлаб чиқариш бошқарма-
ларидаги хўжаликлар бир йил
ичида қишлоқ хўжалиги экин-
лари ҳосилдорлигини кескин
даражада оширдилар, деҳқон-

чилиқда механизациядан кенг
фойдаланиб, ер ҳайдалаш ҳо-
лини яхшилатиш олинган қа-
дар бўлган ишлар машиналар
ёрдами билан бажарилиди.
Бутун газетамизда Калинин
бошқармаси колхозлари ва сов-
хозларининг ўтган йили қиш-
лоқ хўжалигининг барча соҳа-
ларида қандай қилиб муваффа-
қиятга эришганликлари ва бу
йил улар КПСС Марказий Ко-
митети декабрь Пленуми қарор-
лари асосида хўжаликнинг бар-
ча тармоқларини янада юксак
даражада ривожлантириш юза-
сидан қандай тадбирлар белги-
ланликлари ҳикоя қилинади.
Калинин бошқармасининг хўжа-
лиги хилма-хил бўлиб, бу ерда
деҳқончиликнинг деярлик бутун
тармоқлари ривож топган. Кол-
хоз ва совхозлар пахта, дон,
сабзавот, полиз экинлари, ил-
ла, турли чорвачилик маҳсулот-
лари етиштириладилар. Район
хўжаликлари фан, техника
ютуқлари, илғор тажрибаларни
кенг жорий этиш, механизация-
дан кўпроқ фойдаланиш, энг
яхши уруғликларни экин ва
ернинг структурасини яхшилаш
натijasида йил сайин катта
муваффақиятга эришмоқдалар.

Бошқармадаги хўжаликларда
экинларни концентратиялаш,
колхоз ва совхоз ҳамда брига-
даларни ихтисослаштириш юза-
сидан кўпгина ишлар қилинди.
Бу тадбир экинларни жойлаш-
тиришда маълум тартиб ўрна-
тишга ёрдам берди. Ленин но-
ми, «Ўзбекистон», Карл Маркс
номи, «Қизил Ўзбекистон»,
Советлар номи, Собир Раҳи-
мов номи колхозларида хўжа-
лигининг барча соҳалари комп-
лекс ривожлантирилмоқда.

Ишлаб чиқариш бошқармаси
ва партия комитети қолоқ кол-
хозларнинг экономикасини кў-
тариш ва уларни илғорлар да-
ражасига етказиш ҳамда кол-
хоз ва совхозларни ишчан, деҳ-
қончилик ва техниканинг тили-
ни биладиган, ғайратли раҳбар
кадрлар билан мустаҳкамлаш
юзасидан бирмунча тадбирлар-
ни амалга оширди. Энг яхши
ташқиловчилар, механизатор,
агроном ва зоотехниклар, деҳ-
қончилик усталари колхоз ва
совхозларга, бригада ва ферма-
ларга раҳбарлик қилмоқдалар.
Бошқарма партия ташкилоти
кадрларни агротехника, химия,
фан ва техника янгиликларини
мукаммал ўрганиб олишлари

учун амалий тадбирлар белги-
лади.
КПСС Марказий Комитетининг
декабрь Пленуми қабул
қилган қарорлар барча совет
халқлари учун жанговар иш
программасидир. Қишлоқ хўжа-
лигининг бундан сўнгги
таракқиёти химия саноатининг
ривож бўлиши, деҳқончиликда
минерал ўғитлардан ва химия
йи воситалардан кўпроқ фой-
даланиш ва техникани кенг та-
раққий этишнинг масалалари би-
лаш чамбарчас боғлангандир.

Ўртоқ Н. С. Хрущев де-
кабрь Пленумида қилган докла-
дида бундай деган эди: «Энди-
ликда колхоз, совхоз, ишлаб
чиқариш бошқармаси, област,
республиканинг муваффақият-
ларини етакчи қишлоқ хўжалик
экинчи маҳсулотларининг янги
ҳосили ва биринчи навбатда,
доннинг янги ҳосили, тегилли
районларда эса — далаги,
пахта, картошка ва шу каби-
ларнинг янги ҳосилдорлигини
ошириш ҳисобига қанчалик кў-
пайтираётганлиги билан, экин-
ладиган ва ҳайдалаётган ерлар-
нинг ҳар гектарига ҳисоблаган
да етиштирилган дон, дала-
ги, пахтаниннг миқдори билан
белгиланади». Қишлоқ хўжали-
ги ходимлари, колхоз ва сов-
хозларнинг раҳбарлари, ишлаб
чиқариш бошқармалари ва ко-
митетларининг ходимлари ўртоқ
Н. С. Хрущевнинг бу кўрсат-
масига ҳаммиси амал қилишлари
керак.

Бутун мамлакат КПСС Мар-
казий Комитетининг навбатдаги
Пленумига қизгин тайёргарлик
кўрмоқда. Саноат, қишлоқ хў-
жалиги, маданият, фан ходим-
лари, барча касб эгалари Пле-
нумни муносиб совғалар билан
қўлиб олиш учун гайрат ва та-
шаббус кўрсатиб ишламоқда-
лар. Ҳамма ерда умумхалқ со-
циалистик мусобақаси кенг қў-
лдоғ оғмоқда. Қишлоқ хўжалиги
меҳнаткашлари олдида турган
вазифа кўпмал экин кампания
сига пухта тайёргарлик кўриш-
дан иборатдир. Кадрларимизни
ўқитиш, ўргатиш, химия билим-
лари билан бойитиш, химия,
агро-зоолабораториялари ишла-
рини йўлга қўйиш, колхоз ва
совхозларда ҳисобот-саноатни
йиғилишларини юксак савияда ў-
қатиш, илғорлар тажрибаси,
фан ва техника ютуқлари асо-
сида қишлоқ хўжалигини янада
юксак даражада ривож-
лантиришга эришиш масалала-
рига алоҳида эътибор бериши-
миз керак.

1964 йил хўжалигининг
ҳамма тармоқларида янги ва
ушқун зафарлар йили бўлсин!



Химия қишлоқ хўжалигига йил сайин тобо-
ра чуқурроқ сингиб бормоқда. Эндиликда
деҳқончиликни катта химиясиз тасаввур қи-
лиш қийин бўлиб қолди. Янги-янги минерал
ўғитлар яратилипти, ўсимлик зараркундла-
ларини битта қўймай қириб ташлашга тўла
имкон берадиган ажойиб препаратлар вужуд-
га келтириляпти. Шундай экан, деҳқонлар
химия билими билан қуролланишлари янги
донмо олга босади. «Москва» колхозидан
бунинг яхши тушунган ҳолда агрохмияни ўқи-
ни ташкил этишди.

Вақти-вақти билан бўлиб
турадиган машгулотларда минерал ўғитларни
қандай сақлаш, улардан ишнинг қўзини би-
либ фойдаланишнинг илғор тажрибалари, шу-
нингдек фан ютуқлари оммалаштирилипти.
Суратда: агрохмия ўқувининг машгулот пай-
ти. Машгулотни маҳаллий мактабнинг химия
ўқитувчиси ўртоқ А. Хайдаров олиб бормоқ-
да.

Қ. Розиков фотоси,
ЎзТАГ фотохроникаси.

ДЕҲҚОН ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ

«Коммунизм» колхозининг бе-
лоён далалари. Қуёвда чуқур
шудгор қилиб қўйилган майон-
лар оппоқ қор остида ором олиб
мудрамоқда. Тупроқ намга қолиб,
куч тўпламоқда, атрофда эса
қаҳратон қиш изгирини келиб
юрдибди. Ўтган йили қуёвчилик
якунидаги ва янги йилда янги
режалар белгиллаб олинган деҳқон

ҳаёлида баҳор ишчи, қўлқам та-
риқиди.
Колхоз қўраси юк ортаган ма-
шиналар, аравалар, турли юмуш
билан елиб-югуриб юрган қиш-
лар билан гавжум. Қуёвчилик
босиб етган ортаган шифер йиғит
хўрсанд ҳолда ишга билан руҳ
буриб кетаяпти. Бироз юрак у
дига — парник томонга бурли-
ди. У ерда қандай ишлар бўла-
ётганлигини билгани қизибди, биз
ҳам йиш томонга йўл олдик.

Парникда бизни колхоз агро-
номи Шокир ака Қосимов қарши
олди. У, парник хўжалигининг
тажрибали ўстаи, кеска оёлан
Мақсуд ота Исмомов билан ни-
малар ҳақидадир суҳбатлашай-
ган эди.

Бу ерда ҳаёт қайнайди. Кол-
хозчилардан уч-тўрт киши ҳозир-
ча келтирилган ўғитни зудлик
билан тушириб олишди. Анави
ердаги миришкорлар ойналик ра-
мар устидаги похалларни олиб
очинаяпти, қарам қўчаларини
пикровка қилиш учун жой ҳо-
зираётган колхозчиларнинг ҳам
қўли-қўлига тегмайдими. Мўл ҳосил
иштиёқи бу ердаги ҳарбир киши-
нинг бир ғайратига йи гайрат қў-
либ юборади.

Бу йилги режаларимиз ўт-
ган йилдагидан ҳам ушқун,
— дейди агроном Шокир ака, —
биз шунинг учун ҳам ҳозирги кун-
ларни ғанимат билиб астойдил
меҳнат қилаёмиш. Колхозчилари-
миз баҳорни бекамик-қет қўлиб
олиш учун курашмоқдалар. Пи-
гирма икки гектар ерда эртаги
қарам экилади. Ана шунга сифат-
ли қўчат тайёрлаш мақсадида 11
килограмм қарам уруғини сепа-
б қилди. Ҳозир уруғлик анча экан-
либ қолди.

Парникдаги ҳарбир иш саран-
жом-саранга эди. Ҳозирдан бо-
ла яратган кишилар орасида
булар эканми, қаҳратон киши
ҳам уқитиб қўяди.

Колхоз агрономи билан тайё-
рида йўл олдик. Компост тайёрла-
ётган колхозчилар ҳузурида бўл-
дик. Дала четларида келтирилган
тайёрлаб қўйилган тонна-тонна

маҳаллий ўғитлар мўл ҳосилга
замин.

— Бу йил колхоз бўйича 4.200
тонна компост тайёрлашга аҳд
қилганмиш, — дейди агроном, —
бу йили биз 20-февралгача бажариб
қўйишни мўлжаллаб турибмиш.

Колхозда минерал ўғитларни
ташиб олиш ва уни яхши сақлаш-
га ҳам катта аҳамият берилаяпти.
Ҳозирга қадар 115 тонна се-
литра, 105 тонна суперфосфат та-
шиб олиниб, махсус жойларда
сақлаб қўйилди.

Колхоз устаканасида ҳам иш
қизғин. Билаларида куч-гайрат
жўш уриб турган тракторчи-ре-
монтич ишчиларнинг қўли-қўлига
тегмайдими. Ана уларнинг бири қў-
лида болга ушлаб олган ҳолда
хўзиринга ўрнатилган деталнинг
маҳкамлигини текшириб қўраят-
ти. Яна бири сайка бураб трак-
торнинг юрмасига қўлоқ солаётди.

— Мана бу йиғит ҳаммага на-
муна бўлаяпти, — дейди Шокир ака
бизни Жалолов билан таништи-
рар экан. Мақтовни ёқтираётган
ишчилар, механизатор йиғитнинг
юзасига билан-биланмас қи-
зиллик югурди. Устаканода бун-
дай азаматлар қўл. А. Жалолов,
Ш. Умаров, М. Абдуловнинг си-
ғир мезгилларида бу агрегатла-
рини алақачон қўлама шай қи-
либ қўйишди. Ҳозир қайта тек-
ширишдан ўтказиляпти. Ўғитла-
рида ёрдам бериляпти. Шу қўла
қадар 10 та турли маркадаги
трактор, 2 та қўлативатор, 2 та дон
экидиган сеялка ва бошқа қиш-
лоқ хўжалик машиналари ремонт-
дан чиқариб қўйилди.

Калинин ишлаб чиқариш бош-
қармасида «Коммунизм» колхоз-
ининг меҳнатсевар кишилари
КПСС Марказий Комитети нав-
батдаги февраль Пленуми шара-
фига социалистик мусобақани авж
олидир, қўлама пухта тайёр-
ларлик қўламоқдалар. Сабаботкор-
лар, чорвадорлар, боргонлар, худ-
лас каттадан-кичикнинг фикри-
да Пленумни муносиб совғалар би-
лан қўлиб олиш учун бунд.
Улар янги марраларга иштилмоқ-
далар.

П. НИШОНОВ,
Ф. ИСАЕВ.

СОВХОЗДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

1-«Оҳангарон» совхо-
зининг 2-бўлими иш-
чилари янги-янги ютуқ-
ларни қўлга киритмоқ-
далар. Мўл ҳосил учун
аникам меҳнат жан-
ги бошланди. Бўлим
ишчилари шудгорла-
шга барвақт киришган
диллар. Мана бутун
250 гектар майдон си-
фатин шудгорлаб бў-
линиди, гектарига 300
килограммдан супер-
фосфат солинди.

— Ўтган йили, —
дейди бўлим агрономи
ва партия ташкилоти
секретари ўртоқ Ж.
Файзиёв, — совхозда
биринчи бўлиб рента-
белли хўжаликка ўтган
эдик. Бўлимимиз иш-
чилари баракали хир-
мон кўтариш даромад-
ин янада ошириш учун
тинмай меҳнат қил-
моқдалар. Техника ре-
монти ва далага ўғит
чиқариш компост тай-
ерлаш ишлари қизиб
юрдириди. Шу
кунгача 1250 тонна
ўғит ташилди.

Совхознинг 1-бўли-
мида эса 109 гектар
мевазор ва 18 гектар
тоқор бунёдга келти-
рилди.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиу-
ми СССР Илмий-тадқиқот ишларини
координациялаш давлат комите-
тини Умумиттифок органидан
иттифок-республика органига ай-
лантирди.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИ



Свердлов номли қолхозда қўқам таралди. Техникани ремонт қилиш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин бораётди. Суратда: илгор бригада бошлиғи (чапдан учинчи) Х. Темірхўжаев бригада аъзолари билан ўзаро суҳбатлашмоқда.



Ўртоқ А. ЭГАМНАЗАРОВ
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Айвар ака қишлоқ хўжалигининг йўлчи йулдузларидан. У ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан пахтадан мўл ҳосил етиштириш ишига йилдан-йилга баракали ҳисса қўшиб келаяпти. Шунинг учун ҳам илгорлар тўғрисида гап кетганида «Қизил Ўзбекистон» қолхоз аъзолари Эгамназаровнинг номини биринчилар қатори тилга оладилар. Уни деҳқончиликнинг миридан-спиритига биланган, уйдабурро пахтакор, деб таъриф қиладилар.

Ўртоқ Ғ. АБДУЛЛАЕВ

Бу табиркор раиснинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Унинг раҳбарлигида Карл Маркс номли қолхоз йилдан-йилга юксалапти. Хўжалик комплекси ривожланиб, сабзавот, картошка, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб бораёпти. Қолхозчиларнинг турмуши тобора фаровон бўлиб, қишлоқнинг хуснига хусн қўшилмоқда. Шунинг учун ҳам ким билан суҳбатлашсанг «барака топан раис» ҳаммамизга бошқош бўлаяпти, дейди.



Ўртоқ К. ЭГАМБЕРДИЕВ

Калинин номли қолхоз бригадари Комил ақони қачон қидирманг даладан, қизғин меҳнат бораётган жойда топасиз. У ҳар бир ишнинг кўзини билади. Топириқнинг бажарилиши, ишнинг сифатини доимо контроллик қилиб боради. Шунинг учун ҳам унинг бригадасида экинлар сифатли парварши қилиниб мўл ҳосил етиштирилади. Ўтган қишлоқ хўжалик йили муваффақиятли якунлаган бригада аъзолари бу йил янги марраларга интилоқдалар.

СУҒОРИЛАДИГАН ер — катта бойлик. Ердан унумли фойдалансангиз меҳнатингиз ҳеч вақт зое кетмайди. Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси қолхоз ва совхозларнинг кўп йиллик тажрибаси буни исбот қилиб турибди. Бошқармада кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулот қолхоз ва совхозлар ишнинг асосий ўлچови бўлади, деб алоҳида қайд қилинди. Калинин бошқармаси хўжаликлари ҳар 100 гектар суғориладиган ер ҳисобига қанча маҳсулот олмақдалар? 1961 ва 1963 йиллари солиштириб кўрамиз.

1961 йилда ҳар 100 гектар ер ҳисобига 3635 центнер сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка, 560 центнер пахта, 160 центнер галла, сўйилган вазида 48 центнер гўшт, 444 центнер сўт, 1530 центнер озуқа бирлигига тенг бўлган силосбот қўқоя олинди. Ўтган йили эса 6500 центнер сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка, 576 центнер пахта, 272 центнер галла, сўйилган вазида 64 центнер гўшт, 543 центнер сўт ва 1562 центнер озуқа бирлигига тенг бўлган силосбот қўқоя олинди.

Бу рақамлар шунинг кўрсатадигани, кейинги йил йил ичида барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, айниқса сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз етиштириш сезиларли даражада кўпайди.

1962 йилда бошқармада экинларни концентрациялаш, хўжаликлар ва бригадаларни ихтисослаштириш юзасидан катта ишлар бошланди. Бу табир экинларни жойлаштиришда маълум тартиб ўрнатишга ердан берди, планлаштиришдаги расмийчиликни тутатиди ва суғориладиган ерлардан яхши ҳамда унумли фойдаланишни таъминлади.

Натижада йили йил ичида сабзавот, қовун-тарвуз ва картошканинг янги ҳосили 125 минг тоннадан 183 минг тоннагача кўпайди. Ҳар гектардан олинадиган ҳосил 103 центнердан 154 центнергача етди, жумладан картошка ҳосили 57 центнердан 95 центнергача, қовун-тарвуз 138 центнердан 164 центнергача етди. Бир центнер маҳсулот етиштиришга бўладиган меҳнат харажати 1,7 одам-кундан 0,9 одам-кунгача камайди. Бир центнер сабзавотнинг таннари 8 сўм 13 тийиндан 5 сўм 2 тийингача, картошканинг таннари 16 сўм 25 тийиндан 10 сўм 20 тийингача, қовун-тарвуз бир центнернинг таннари 4 сўм 7 тийиндан 3 сўм 10 тийингача камайди.

Ўтган йили Калинин бошқармасининг хўжаликлари давлатга сабзавот ва қовун-тарвуз сотиш пиланини бирмунча ортиқ билан бажардилар. Бошқарма қилиб айтганда улар 900 минг аҳолига эга бўлган шаҳарни бир йил давомида таъминлашга етарли миқдорда сабзавот етиштирилди.

КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИШ

БОШҚАРМАНING қолхоз ва совхозлари Тошкент зонаси яқинида жойлашган. Худди шунингдек, сабзавот консерва қорхоналари ҳам яқинида жойлашган. Сабзавот ва қовун-тарвуз ҳосилига бўлган талаб йилдан-йилга ўсиб бормоқда ва тайёрлаш планлари йилдан-йилга ошиб бораёпти. План жуда оддий тартибда тузилди. Масалан, ҳарбир хўжаликка маълум бир экин экиш юзасидан топириқ берилди. Бундай қараганда ҳамма қолхоз ва совхозлар ҳам оз-оздан бўлса-да сабзавот ва поллиз экиб ўстиришга қўшаб кўрилади. Мутахассислар ва сабзавотчиларнинг диққат-эътибори бир нарсаси қаратилмас, катта майдонларда техникадан фойдаланилмас, агро-техниканинг янги усуллари қўлланилмас эди.

Суғориладиган карталар ҳаддан ташқари майдалаштириб юборилганлиги ўртача 3—3,5 гектарга тўғри келиши ҳам ишнинг анча мураккаблаштириб қўйган. Далачилик бригадалари ҳам майда эди. Масалан, 1961 йилда ҳар бир бригадага бириктиб қўйилган ҳайдаладиган ер ўртача 35—40 гектарданга тўғри келарди.

Ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети суғориладиган карталарни ва далачилик бригадаларини йириклаштиришда қолхоз ва совхозларга амалий ёрдам берди. Карталарни йириклаштириш билан бирга дарахларни бир ердан иккинчи ерга кўчириш ва майдонларни текислаш юзасидан катта ишлар талаб қилинарди. Бар-

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий йўли — ҳар томонлама механизациялаштириш ва изчил интенсификациялаштириш: фан ва илгор тажриба асосида барча қолхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг юксак маданиятига эришиш, барча экинлар ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш ҳамда меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришдир.

(КПСС ПРОГРАММАСИДАН).

ча хўжаликлар ҳамкорлигида бу муҳим ишга астойдил киришдилар. Натижада суғориладиган карталарнинг қатталиги 5 гектардан тўғриб 15 гектаргача етказилди, бунда ҳарбир жойнинг шароити ҳисобга олинди. Сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка етиштириш билан шугуллан-диган бригадаларнинг сони 411 дан 309 га келтирилди. Ҳарбир бригадага ўртача 50—70 гектардан суғориладиган ер бириктилди.

БУНДАЙ табирнинг амалга оширилиши бизга нима-лар берди? Ўртоқ Турғун Мирзаев раислик қилаётган «Ўзбекистон» қолхозини олиб кўрайлик. 1961 йилда қолхозда умумий майдони 426 гектар бўлган 190 та суғориладиган картага картошка ва сабзавот экилган. Бу экин-ларни экиш ва парварши қилиш иши билан 11 бригада шугулланган. 1963 йилда хўжаликда сабзавот ва картош-ка экиладиган майдонлар 50 гектарга кенгайди. Айни бир маҳалда карталарнинг сони деярлик икки баравар камай-ди, бригадалар йириклаштирилиб, 8 тага келтирилди. Икки йил ичида ҳосилдорлик кескин кўпайди: масалан, ҳар гектардан олинадиган картошка 128 центнердан 142 центнерга, сабзавот 199 центнердан 215 центнерга етди. Хўжаликда ҳосили ўз вақтида ва сифатли йиғиш-тириб олиш ва транспортларга юклаб жўнатиш ишлари устидан контроллик ва ҳисоб-чиноб яхшиланди. Қолхоз 1963 йилда 1961 йилдагига нисбатан давлатга 9 минг центнер кўп сабзавот, 7 минг центнер кўп картошка сотди.

ГЕКТАРИДАН ОЛИНГАН ҲОСИЛ



Бошқармада ва хўжаликларда экинларни жойлашти-ришга муносабат кескин ўзгарди. Планлаштиришдаги расмийчиликка чек қўйилди, ваҳоланки илгари қолхоз ва совхозлар деярлик барча турдаги экинларни экиш ва парварши қилиш билан шугулланар эдилар. Экинларни экиш ишларини планлаштиришдаги янгилик шунки, бунда ҳарбир хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароити, унинг меҳнат ва моддий техника ресурслари, резервлари эҳти-ёки ва хомашини сотиб оладиган қорхонанинг яқин-узоқ-да жойлашганлиги ҳисобга олинди.

Умуман олганда, Калинин бошқармаси хўжаликлари сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка етиштиришга ихти-сослаштирилдилар. Кейинги йили йил ичида бошқарма хўжаликлари ана шу соҳадан оладиган даромадининг умумий ҳажми 26,7 процентдан 49,3 процентгача кў-пайди.

БОШҚАРМАДАГИ қолхоз ва совхозларнинг тахми-нан ярми йили етиштирилдиган сабзавотнинг тўрт-дан уч қисмини беради. Сабзавот етиштирилдиган дала-лар асосан Чирчиқнинг этакларига жойлашган. 10 та их-тисослаштирилган хўжалик 70 процента яқин картош-кани етиштириб беради. Ўтган йили улар давлатга 26 минг тонна картошка сотдилар.

Бошқарманинг шимолӣ қисмидан қўмлоқ ва соғ туп-роқли катта майдонлар картошка экинни учун ажратилган. Қовун-тарвузнинг асосий қисми ҳам ўн қолхоз ва сов-хозда етиштирилади. Ўтган йили улар 29 минг тонна қовун-тарвуз етиштирдилар. Район бўйича эса, 41 минг тонна қовун-тарвуз етиштирилган. Поллиз экинлари Тошкентнинг ғарб томонида қирли ерларда ўстирилади.

«Партия XXI съезди» совхози сабзавот ва поллиз етиштирадиган энг йирик хўжаликлардан биридир. Бун-дан бир неча йил илгари бу хўжалик жуда қолоқ эди, экинлардан кам ҳосил оларди. Ўтган йили совхоз давлат-га 70 минг центнерга яқин сабзавот сотди. Сабзавот ва

картошканинг ҳосилдорлиги 1961 йилдагига қараганда икки баравар кўпайди. Меҳнат харажатлари уч баравар ва маҳсулот таннари икки баравар камайди.

Концентрациялаш ва ихтисослаштириш юзасидан амалга оширилган табирлар натижасида кўп хўжалик-лар қолоқликка барҳам бердилар, уларда далаларнинг ҳосилдорлиги ва фермаларнинг маҳсулдорлигини оши-риш ва экономикани мустаҳкамлаш учун имконият ву-жудга келди. Мана бир мисол: Свердлов номли қолхоз 1961 йилда ҳар гектар ердан 68 центнердан ва ундан ҳам кам ҳосил олиб, давлатга маҳсулот сотиш пиланини ярмини бажарди. Қолхозда хўжаликнинг бошқа тармоқ-лари ҳам қолоқ эди. Қолхоз давлатга заар келтириб ишлади. Меҳнат қўнларига жуда кам ҳақ тўларан эди. Қолхознинг қарзи йилдан-йилга ўсиб борди.

Янги раҳбарлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда янги тартиб ўрнатдилар. Карталар йириклаштирилиб, далачилик бригадаларининг сони икки баравар камайти-рилди. Бригадалар маълум бир экинни экиб ўстириш учун ихтисослаштирилди. Маълумий-бошқарув аппарати ҳам бирмунча ихчамлаштирилди. Фақат ана шунинг ўзи-гина қолхозга бир йил ичида 30 минг сўмга яқин пулни иқтисод қилиш имкониятини берди.

Ўтган йили Свердлов номли қолхоз давлатга сабзавот сотиш пиланини биринчилар қатори бажарди. Ҳар гектар ердан 200 центнердан ҳосил олинди. Қолхоз пиландан ташқари давлатга 14 минг центнердан ортиқ сабзавот сотди. Меҳнат қўнларига тўланадиган ҳақ икки баравар кўпайди. Қолхознинг қолхозчилардан бўлган қарзи тўла узилди ва янги техникани сотиб олиш, картошка сақла-диган жой қуриш, янги мактаб қуриш учун кўплаб маб-лағ сарф қилинди. Шунингдек, турар жой бинолари учун қолхозчиларга узоқ муддатли қарз бериш учун 10 минг сўмлаб пул ажратилди.

Шундай қилиб янгилик ҳар бир хўжаликка, ҳар бир бригадала, ҳар бир звенога қириб берди. Ҳозир кўпгина қолхоз ва совхозлардаги бригадалар маълум бир экин экиб ўстиришга ихтисослаштирилгандир. Сабзавот ва поллиз экинларининг хили ҳам икки баравар кўпайди. Ма-салан, 27 хилдаги сабзавот-поллиз экинлари: паттесон, бақлажон, гармдори, рангдор қарам, чеснок ва ҳоназо турдаги экинлар экилмоқда. Ўтган йили бошқарма хўжа-ликлари 5 минг центнердан ортиқ маккажўҳори думбўл ўсатганини сотдилар.

Ихтисослаштириш аҳолини янги сабзавот маҳсулот-лари билан таъминлаб туриш муддатини бир мунча узай-тириш имкониятини берди. Бошқармадаги хўжаликлар-нинг деярли ярми апрель ойининг ўзидан бошлаб аҳолига эртаги сабзавот сотишни бошлайдилар ва бу иш декабрь ойигача давом этади.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ХИМИЯЛАШТИРИШ

БОШҚАРМА хўжаликлари муваффақиятини таъмин-лаган омиллардан яна бири шу бўлдики, биз ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш иши-ни ўсимликларни парварши қилишда агротехниканинг янги усуллари, механизацияни ва химия ютуқларини жорий қилишга катта аҳамият бердик. Қолхоз ва совхоз-ларнинг трактор паркларига мингдан ортиқ ҳар хил мар-кадаги ва ҳар хил ишларни бажариш учун мулкжалланган машиналар, кўплаб прицеплар ва осма машиналар бор. 1961 йилда сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз етишти-риш соҳасидаги ишларнинг озгина қисми, масалан, учдан бир қисминини механизация воситаси билан бажарилган бўлса, ўтган йили барча турдаги ишларнинг 60 проценти машиналар зиммасига юкланди.

Кейинги йилларда Калинин бошқармаси қолхоз ва совхозларининг механизаторлари сабзавот ва қовун-тар-вуз экишда, бошқа ишларни бажаришда механизацияни муваффақиятли қўлладилар. Чигитни аниқ миқдорда таш-лаб экнадиган селка ана шу мақсад учун мослаштирилди. «Бўсув» совхоз ва бошқа хўжаликларда экин ишлари техника ёрдамида ўтказилганлиги туфайли уруғлики сафлаш ва экиш вақтида сарф бўладиган меҳнат хара-жатлари икки баравар камайди.

«Қорасув» совхозининг ўртоқ Насриддин Муҳиддинов бригадаси сабзавотчиликни комплекс механизациялашти-ришда қимматли тажриба тўплади.



